

<https://doi.org/10.5281/zenodo.10541249>

Алпысбаева Шахноза Саламат кизи

Тошкент молия институти талабаси

Аннотация: Бугунги кунда фаолиятни кенгайтириш учун капитал маблағларни жалб қилишнинг муқобил варианты сифатида компаниялар томонидан IPOларга катта қизиқиш билдирилмоқда. Мазкур мақолада глобал IPO бозорининг эволюцияси босқичлари, бугунги кундаги ҳолати ҳамда Жаҳон молиявий-иқтисодий таназзули ва COVID-19 пандемияси сабабли вужудга келган салбий иқтисодий шароитда IPO бозорининг ривожланиш тенденциялари ўрганилган. Шунингдек, мақолада IPO бозорида тобора трендга айланаётган SPAC ларнинг моҳияти очиқ берилган.

Калит сўзлар: бирламчи оммавий жойлаштириш, SPAC, эскроу ҳисобварағи, акциядорлик капитали, компаниялар бирлашуви

Абстракт: Сегодня компании проявляют большой интерес к IPO как к альтернативе привлечению капитала для расширения. В данной статье рассматриваются этапы эволюции мирового рынка IPO, его современное состояние и тенденции развития рынка IPO в неблагоприятных экономических условиях, вызванных мировым финансово-экономическим кризисом и пандемией COVID-19. Также в статье раскрывается сущность SPAC, которые все больше становятся трендом на рынке IPO.

Ключевые слова: первичное размещение акций, SPAC, счет эскроу, акционерный капитал, слияние.

Abstract: Today, companies are showing great interest in IPOs as an alternative to raising capital for expansion. This article discusses the stages of evolution of the global IPO market, its current state, and development trends in the IPO market in adverse economic conditions caused by the global financial and economic crisis and the COVID-19 pandemic. The article also reveals the essence of SPACs, which are increasingly becoming a trend in the IPO market.

Keywords: initial public offering, SPAC, escrow account, share capital, merger.

КИРИШ

IPO компания акцияларини фонд бозорига бирламчи оммавий жойлаштириш усули бўлиб, компанияни молиялаштириш манбалари ичида энг самарали усуллардан бири ҳисобланади. Алтернатив молиялаштириш манбаи сифатида IPO банк кредитлари ёки қарз мажбуриятларига бир қанча афзалликларга ва

камчиликларга эга бўлиб, фонд бозорга энди кириб келаётган компания учун энг мақбул вариант ҳисобланади.

Компанияларнинг IPO га чиқишларининг асосий мақсадлари сифатида имтиёзли шартларда маблағларни жалб қилиш, компания қийматини адолатли баҳоланишига

эришиш, капиталлашувни максималлаштириш, шаффофликни ошириш, омма томонидан тан олинishi, рейтинг кўрсаткичларининг ўсиши каби сабаб ва мақсадларни кўрсатиш мумкин.

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили

Қимматли қоғозлар бозорида акцияларни оммавий жойлаштириш мавзусида хорижий ва маҳаллий олимлар томонидан кўплаб илмий изланишлар олиб борилган. Хусусан, IPO нинг мазмун-моҳияти, унинг ўтказилиш тартиби ва унда акция нархларининг шаклланишига оид илмий тадқиқотлар узоқ хориж олимлари Р.Ибботсон, Дж.Риттер, И.Велч, Р.Геддес, Дж.Брау, С.Фюсет, Т.Чемманур, Д.Бредлей ва бошқалар томонидан ўтказилган. Хорижий адабиётларни таҳлил қилиш давомида қимматли қоғозлар бозори, фонд бозори ва фонд биржаси бир тушунча сифатида эътироф этилиши аниқланди. Шундай бўлсада, олимлар бу илмий қарашда икки гуруҳга бўлинган бўлиб, биринчи гуруҳ бу тушунчаларни бир маънода қўлласа бўлади деб ҳисоблашса, иккинчилари бу тушунчалар маъно жиҳатдан ўхшаш бўлгани билан бир маънода қўлланилиши мумкин эмас деб ҳисоблашади.

Хорижлик олимлар томонидан компанияларнинг нима сабабдан фонд биржаларига чиқиш сабабларини ўрганишга оид бир қанча эмпирик тадқиқотлар олиб борилган. Хусусан Пагано, Панетта ва Зингалеслар италия компаниялари мисолида компанияларнинг биржага чиқиш қарорларини қабул қилиш жараёнлари ва сабаблари тадқиқ этилган. В менее прямом подходе Брау, Фрэнсис ва Кохерслар IPO орқали оммалашни қарор қилган компаниялар ва йирик компаниялар томонидан сотиб олинishi орқали оммалашни қарор қилган компанияларни таққослаш асосида тадқиқот олиб боришган.

IPO нинг ташкил этилишининг ўзига хос хусусиятлари, унда иштирокчиларнинг фаолияти ва манфаатлар тўқнашувини яқин хориж олимларидан Я.Миркин, Б.Рубцов, Д.Шевченко, А.Корень, М.Ковалев ва бошқалар тадқиқ қилишган.

Қимматли қоғозлар бозори ва унга боғлиқ бўлган фаолият тури мамлакатимиз иқтисодчи олимлари томонидан ҳам етарлича ўрганилган соҳалардан бири ҳисобланади. Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозорини илмий ўрганишда И.Бутиков, Ш.Шоҳаъзамий, М.Хамидуллин, У.Алиев, В.Котов, Ф.Мухамедов, С.Элмирзаев, Х.Худойқулов, Ж.Каримқулов, У.Халиков, Н.Абдуллаева ва бошқаларнинг тадқиқотларини яққол мисол сифатида келтириб ўтишимиз мумкин.

Юқорида келтириб ўтилган иқтисодчи олимларимиз қимматли қоғозлар бозори, унинг фаолият механизми, ундаги иштирокчилар фаолияти, акциядорлик жамиятлари ва уларнинг ўзига хос томонларини ўрганишган. Хусусан, И.Бутиков ўзининг қимматли

қоғозлар бозори мавзусига бағишланган илмий ишида қимматли қоғозлар бозорини жисмоний ва юридик шахслар ўртасидаги қимматли қоғозларни чиқариш, муомалага чиқариш ва сотиб олиш билан боғлиқ муносабатлар тизими сифатида тавсифлайди [1]. Ш. Шоҳаъзамий қимматли қоғозлар бозори ҳақидаги кўп сонли илмий ишлар муаллифи сифатида қимматли қоғозлар бозорига “бозор ва иқтисодий тизимнинг алоҳида шакли бўлиб, унда иқтисодий тизим элементлари қимматли қоғозлар воситачилигида бозор муносабатларига киришади” дея тариф беради [2].

Мамлакатимизда қимматли қоғозлар бозори мавзусида олиб борилган илмий ишларга ўзини улкан ҳиссасини қўшган яна бир иқтисодчи олим М.Хамидуллин бўлиб, у қимматли қоғозлар бозорига тариф бераркан, қимматли қоғозлар бозорини замонавий бозор иқтисодиётининг ажралмас қисми, инвесторларнинг бўш турган ресурслар кўринишидаги манфаатларини инвестицияларга муҳтож эмитентлар

манфаатлари билан ўзвий боғлаш имконини беради ва шу билан жамғармаларни инвестицияларга йўналтириш механизмини бажаради деб таъкидлайди [3].

У.Халиков қимматли қоғозлар бозорига қўйидагича тарифни таклиф этган: “Фонд бозори – иқтисодий институт бўлиб, қимматли қоғозлар бозорининг таркибий қисми ҳисобланади ва унда молиявий активлар кўринишидаги махсус товарлар, яъни қимматли қоғозлар инвестиция мақсадларида сотилади” [4].

Н.Абдуллаева акцияларни бирламчи оммавий жойлаштиришда суғурта инструментларини қўллаш мавзусида тадқиқот олиб бориб, IPOни –акциядорлик жамиятининг акцияларини бирламчи ошкора таклиф этиш деган маънони билдириб, у жамият томонидан акцияларни чекланмаган шахслар орасидаги дастлабки сотуви, дастлабки таклиф қилинишидир дея таъриф берган [5].

Мавзуга оид адабиётлар таҳлили асосида қимматли қоғозлар бозорининг қўйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик: “Қимматли қоғозлар бозори бу – молия бозорининг қимматли қоғозларни эмиссияси ва муомаласини амалга оширадиган сегменти бўлиб, у орқали бўш молиявий ресурслар иқтисодиётнинг турли тармоқларига йўналтирилади”.

Тадқиқот методологияси

Мазкур мақоланинг методологиясида статистик ўрганиш, анализ ва синтез, илмий абстракция, дедукция, таснифлаш, умумлаштириш, қиёсий, назарий талқин ва таҳлилий услублардан фойдаланилган, библиографик ўрганиш натижасида “Глобал IPO бозори”нинг замонавий муаммолари, уларга таъсир этувчи омиллар ва келгуси ривожланиш истиқболлари аниқланган.

Халқаро стандартлар ва норматив ҳужжатлар, олимларнинг илмий даврий нашрлардаги изланишларидан олинган маълумотлардан фойдаланилди.

Таҳлил ва натижалар

Умуман олганда, IPO бозорининг бутун дунёда ривожланиш тарихини бир нечта босқичларга бўлиш мумкин:

1-босқич. Акциядорлик капитал бозорининг вужудга келиши (XVII бошлари-XIX бошлари). Тадбиркорлик фаолиятига сармоя жалб қилиш механизмининг шаклланиши XVII аср бошларида акциядорлик жамиятларининг пайдо бўлиши ва биржада Нидерландия ва Британиянинг Ост-Индия компаниялари акцияларнинг биринчи оммавий жойлаштирилиши ёрдамида бошланган. Бу босқичда майда инвесторларнинг фаол иштироки, малакали ва институционал инвесторларнинг мавжуд эмаслиги, акцияларни жойлаштиришни тартибга солиш тизимининг йўқлиги кузатилган.


2-босқич. Бозорнинг институционаллашуви (1820 йиллар – XX асрнинг бошлари). Бу даврда бирламчи бозорларда профессионал воситачилар, инвестиция банклари ҳамда бирламчи оммавий жойлаштириш тартиблари шаклланган ва ривожланган.

3-босқич. Ривожланган бозорнинг шаклланиши (1910 йилларнинг ўрталари – 1970 йиллар). 1920, 1950 ва 1960-йиллардаги капитал бозорининг ўсиши жаҳон урушлари ва молиявий инқироз билан алмашиб, капитал бозорининг ривожланишини фалаж қилган.

4-босқич. Замонавий бозорнинг юзага келиши (1970 йиллар – ҳозирги вақтга қадар). IPO технологияларининг ривожланиши, оммавий жойлаштиришларнинг фаоллашуви ва эмитентлар доирасини сезиларли даражада кенгайтиши юз берган [6].

Деярли барча илмий адабиётлар ва интернет нашрлари IPO бозорининг энг гуллаган даври сифатида Америка Қўшма Штатларида юзага келган “доткомлар” даврини тилга олишади. Жаҳон банкининг маълумотларига кўра 1995 йилда 40 миллион киши Интернетга кириш имконига эга бўлган бўлса, 2000 йилга келиб бу рақам 400 миллионга етган, 2005 йилда эса бир миллиард кишидан ошган¹. Шу даврга келиб, технологияларнинг жадал ривожланиши ортидан тадбиркорлик гуллаб-яшнаши вужудга келган пайтда, уддабурон инноватор-тадбиркорлар венчур капитал қўйилмаларини жалб қилиб, акцияларини фонд бозорига бирин-кетин оммавий жойлаштиришни бошлаган. Бундан ташқари, IPO муваффақиятли бўлиши учун компания номига замонавий “.com” кенгайтмасини қўшиш, даромад ва аниқ бизнес-режага эга бўлишни ўзи кифоя қилган.

Бироқ, IPO инвесторлари компаниянинг молиявий натижалариша аҳамият бермай, таҳлилчиларнинг ёрқин келажак ҳақидаги ҳикоялари ва тавсияларига алданиб қолишган. Натижада, ақл бовар қилмайдиган нарса содир бўлган: NASDAQ индекси беш йил ичида (1995 йил мартидан 2000 йил мартигача) 500% га ўсган (1-расм).



1- расм. АҚШ кўрсаткичлари: Фонд бозорларида листингдан ўтган компаниялар, глобал интернет фойдаланувчилари ва NASDAQ 100 индекси²

Юқорида келтирилган 1.3.1-расмда даврий оралиқ сифатида фақатгина 1990-2015 йиллар оралиғи олинган бўлиб, 2015 йилдан кейинги маълумотларни диаграммада акс эттирилиши унинг ўзгариш нуқталарини яққол кўриш имкониятини чеклаши сабабли охириги йиллар маълумотлари акс эттирилмаган.

1 The World Bank Data. <https://data.worldbank.org/indicator/IT.NET.USER.ZS?end=2020&start=1979&view=chart>

2 Жаҳон банки ҳамда yahoo.finance.com сайти расмий маълумотлари асосида муаллиф томонидан ишлаб чиқилган

Замонавий иқтисодиётда ривожланган мамлакатлар томонидан акцияларни оммавий жойлаштиришнинг бир неча турлари амалга оширилиб келинмоқда. Уларнинг орасида энг машҳурлари ва энг кўп ишонч қозонган турлари бу - классик IPOлар ва SPACлардир.

Сўнги ўн йилликда жаҳон молия бозорига IPOнинг янги шакли - SPAC лар кириб келди.

Special-purpose acquisition company (SPAC) (сўзма-сўз таржимаси: махсус мақсадли сотиб олиш компанияси) - IPO процедурасидан ўтмасдан жамоатчиликка чиқишни ва оммавийлаштишни хоҳлайдиган бошқа хусусий компания билан қўшилиш учун махсус яратилган компания. Яъни, SPAC – бу шундай “қобиқ” компанияки, у орқали бошқа компания IPO ўтказмасдан туриб оммавийлашади. Аслида SPACларнинг фаолият тарихи, активлари, молиявий натижалари, бизнес-режалари бўлмайди, уларни ташкил этишдан мақсад бошқа бир компанияни оммавийлаштириш учун трамплин вазифасини бажаришидир. SPAC ғоясининг ўзи бир қарашда шубҳали кўринади, аммо бундай компаниялар ўнлаб йиллар давомида мавжуд бўлиб


келмоқда. Ҳозирда бу расман тан олинган кўриниш бўлиб, ривожланган мамлакатларда SPACлар учун қатъий қоидалар ва чекловлар белгиланган.

SPAC ларнинг тарихи инвесторларнинг маблағларини кўр-кўрона жалб қилиб, акцияларини бирламчи жойлаштиришни амалга оширишдан бошланади. Уларнинг IPO лари “бланк-чеклар” деб аталиб, бундай акцияларни сотиб олиш орқали инвесторлар де-факто ҳавога эга бўлишади. Бироқ, агар SPAC раҳбарлари яхши хусусий компания билан бирлашиш имкониятини топа олишса, истиқболда бундай акциялар ўзини оқлаши ва эгасига катта даромад келтириши мумкин.

АҚШ Қимматли қоғозлар ва биржа комиссияси (SEC) қоидаларига кўра, SPAC акциялари 10 АҚШ доллари миқдорига қатъий белгиланган нарҳда жойлаштирилади. Менежмент (улар SPAC ҳомийлари деб аталади) катта қарзлари бўлмаган хусусий компанияни сотиб олиш учун инвестор ва қарз маблағларини жалб қилади. SPAC ларнинг фаолият муддати IPO ўтказилган кундан бошлаб икки йил ҳисобланади.

SPAC жалб қилинган маблағларнинг 80 фоизидан кам бўлмаган қисмини бир активга йўналтириши талаб этилади. Бунда ҳар қандай келишувга эришишдан олдин, келишув акциядорлар томонидан тасдиқланиши шарт. SPAC билан бирлашиши кутилаётган хусусий компаниялар ўзларининг акцияларини SPAC акцияларига 1:1 пропорцияда алмаштириш имкониятига эга бўлади ҳамда SPAC тикери янги оммавий компания тикерига ўзгартирилади. Умуман олганда, SPACларнинг ҳаётий цикли 2-расмда келтирилган кўринишга эга бўлади (2-расм).

Ривожланган фонд бозорларида SPACга инвестиция киритишга фақат малакали инвесторларга рухсат берилади. SPACнинг IPOсида жалб қилинган барча маблағлар “эскроу” ҳисобварағига жойлаштирилади - бу маблағларнинг SPAC раҳбарларининг шахсий манфаат ва мақсадлари учун эмас, балки маълум бир бизнесни сотиб олиш учун ишлатилишининг кафолати бўлиб хизмат қилади.



2-расм. SPACларнинг ҳаёт цикли⁴

Хусусий бизнес сегменти учун листинг талаблари ва молиявий харажатларни четлаб ўтиб фонд бозорига кириб келишнинг хуфёна йўли айнан SPACлар билан бирлашиш ҳисобланади. SPAC ўз IPOсини ўтказиб, 2 йил ичида бирлашиш учун хусусий компания топа олмаган тақдирда, SPAC тугатилади ва унга киритилган сармоялар инвесторларга тўлиқ қайтариб берилади. Бироқ, инвесторлар учун энг катта риск бу SPACнинг қайсидир компания билан бирлашиши натижасида унинг акциялари нархи кескин қулашидир. Бундай вазиятда инвесторлар сармоя киритган пулларини йўқотиш хавфи юзага келади. WSJ маълумотига кўра, 2020-2021 йилларда SPACлар билан бирлашган компанияларнинг ярми акцияларининг 40 % ни йўқотган.

IPOнинг бу турида рисклар катта бўлишига қарамай, кўпчилик инвесторлар ва айниқса стартап компаниялар мазкур турга жуда кўп мурожаат қилишади. Бунинг сабаблари сифатида ҳомийларнинг мавжуд капитални тўғри йўналтириш орқали ҳар қандай нархда даромад олиш, стартап компанияларнинг эса фонд бозорига тезроқ кириб бориб, оммавийлашиш истагидадир.

Мухтасар қилиб, компаниялар учун SPACлар билан бирлашиш орқали оммага чиқиш афзалликлари қуйидагилардан иборат:

- бирлашиш тезлиги: агар IPO 2-3 йил давом этадиган узоқ жараён бўлса, SPAC билан битимлар 3-6 ой ичида яқунланиши мумкин;

- олдиндан нархлаш: IPO нархи листинг вақтидаги бозор шароитларидан келиб чиқиб баҳоланадиган бўлса, компания эса битим ёпилгунга қадар SPAC билан бирлашиш нархи бўйича музокаралар олиб боради, бу эса ўзгарувчан бозорда фойдалироқ бўлиши мумкин;

- камроқ пухта текшириш: SPAC жараёни IPO каби синчковлик билан текширишни талаб қилмайди;

- маркетинг харажатларини камайтириш: SPAC келишуви потенциал инвесторлар учун кенг кўламли род-шоуларни ўтказишни назарда тутмайди (мақсадли род-шоулар бундан мустасно);


- тажриба олиш имконияти: SPAC ҳомийлари кўпинча молия ва саноат мутахассислари бўлади. Улар ўз алоқаларидан фойдаланган ҳолда компанияни кучли бошқарув тажрибаси билан таъминлаш ёки директорлар кенгашига ўзлари киришлари мумкин;

- бошқарув прогнозлари: SPAC орқали жамоатчиликка чиқишнинг муҳим афзаллиги бошқарув (ҳомийлар) прогнозларини тақдим этиш қобилиятидир, бу анъанавий IPO ларда кузатилмайди.

IPO нинг анъанавий шакли барча мамлакатларда бир хил мезонлар ва тартиблар асосида ўтказилганлиги боис мамлакатлар кесимида IPOнинг ривожланиш тарихи ва замонавий тенденцияларни ўрганишга зарурат йўқ. Бироқ, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози ва COVID-19 пандемияси ортидан юзага келган дунёдаги танглик вазиятида IPO бозори қандай ривожланганини ўрганиш мақсадга мувофиқ.

2008 йилда Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози юз бергандан сўнг ривожланган мамлакатларнинг фонд бозорларини ривожлантиришнинг асосий йўналишларидан бири сифатида компанияларнинг акцияларини IPO га чиқариш ҳисобланган. Бироқ, кўпгина инвесторларфонд бозорининг 2008 йилдаги инқирозидан сўнг IPOга нисбатан салбий ёндашиб, IPO ни компания эгаларининг инқироздан чиқиб кетиш ва даромадини кўпайтириб олиш йўли сифатида қаралган. Шундай бўлсада, Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг юзага келиши фақатгина 2008-2009 йиллардаги бирламчи таклифлар сонига таъсир қилган (3-расм).

Йиллик IPOлар сони



3-расм. Йиллар кесимида IPOлар сони, 2005-2021 йиллар⁵

2000 йилдан 2021 йилгача бўлган даврда 5 753 та IPO амалга оширилди. Энг ками 2009 йилда атиги 62 та IPO бўлган. 2021 йил давомида 1 035 та IPO ўтказилган бўлиб, бу барча вақтлардаги рекорд ҳисобланади.

Бирламчи оммавий жойлаштиришлар юзага келган даврдан бошлаб ҳозирга қадар ўтказилган IPO лар ичида энг йириклари Сауди Арамко, Алибаба ва Софтбанклар томонидан ўтказилган IPO лар ҳисобланиб, мазкур компанияларнинг оммалашуви ортидан жами 70 млрд. АҚШ доллари инвесторлардан жалб қилинган (1-жадвал).

1-жадвал


Барча даврлардаги энг йирик глобал IPOлар⁶

№	Компания номи	Тармоқ	Йили	Биржа	Мамлакат	Жалб қилинган сумма, млрд долл.
1	Saudi Aramco	Энергетика	2019	Tadawul	Саудия Арабистони	29,4
2	Alibaba Group Holding	Технология	2014	NYSE	Хитой	25,0
3	SoftBank	Алоқа хизматлари	2018	TSE	Япония	23,5
4	NTT Mobile Communication Network	Алоқа хизматлари	1998	TSE	Япония	18,1
5	Visa Inc.	Молиявий хизматлар, технология	2008	NYSE	АҚШ	17,9
6	AIA Group Ltd	Молиявий хизматлар	2010	HKEX	Гонг Конг	17,8
7	Mobileye Global Inc.	Технология	2021	NASDAQ	АҚШ	16,7
8	Enel SpA	Электр-энергия	1999	Milan bourse	Италия	16,4
9	Meta	Технология	2012	NASDAQ	АҚШ	16,0
10	General Motors	Автосаноат	2010	NYSE	АҚШ	15,8

Акцияларни бирламчи оммавий жойлаштиришнинг асосий қийинчиликлари ва замонавий рискларини, шунингдек, кейинги ривожланиш тенденцияларини аниқлаш мақсадида IPO ўтказилган тармоқ ва компаниянинг бугунги кундаги ҳолати, улар олдида қўйилаётган янгича талаблар, дунёдаги ижтимоий-сиёсий вазиятнинг барқарорлиги, дунё иқтисодиётининг ҳаракат трендлари каби кўплаб омиллар ва сабабларни ўрганиш талаб этилади. Хусусан, технологик компанияларни қайта баҳолаш, бозор коррекцияси, фоиз ставкаларининг пасайтирилиши, қонунчиликдаги ўзгаришлар, COVID-19 таъсири каби асосий воқеалар сўнгги йиллардаги IPOларни таҳлил қилишда диққат марказидаги воқеалар сифатида қаралиши лозим.

Айниқса, пандемия даврида бутун мамлакатларда жорий этилган карантин қоидалари тугагандан сўнг фонд бозорлари жунбишга келди. Ўз жойида қотиб қолган бозор механизмлари қайта ҳаракатга келтирилиб, барча бозорларда рекордлар қайд этилган.

Хусусан, глобал IPO бозорида рекорд даражадаги IPO лар ўтказилиб, тармоқлар кесимида SPACлар, технологиялар, иккиламчи истеъмол товарлари, саноат, соғлиқни сақлаш ва молия каби йирик тармоқлар компаниялари ҳиссасига 2021 йилда ўтказилган жами IPO ларнинг 89 фоизи ёки 921 таси тўғри келган (4-расм) ҳамда мазкур оммавий жойлаштиришлардан жалб қилинган маблағлар суммаси 608,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этган (бу кўрсаткич 2020 йилда 330,0 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлиб, ўсиш суръати 84 фоизни ташкил қилган) (2-жадвал).




4-расм. IPO нинг тармоқлар кесимидаги улуши (2021)⁷

Тармоқлар бўйича IPO лар сони ва жалб қилинган маблағлар (2021)⁸

	IPO лар сони			Жалб қилинган маблағлар, млрд. АҚШ доллари		
	2019	2020	2021	2019	2020	2021
<i>SPAC</i>	71	253	671	16	84	172
<i>Технология</i>	142	171	384	20	38	92
<i>Истеъмол товарлари (иккиламчи талаблар)</i>	-	-	287	-	-	89
<i>Саноат</i>	210	268	370	26	35	67
<i>Соғлиқни сақлаш</i>	153	195	355	22	45	63
<i>Молия</i>	171	139	196	37	46	60
<i>Истеъмол товарлари (бирламчи талаблар)</i>	-	-	101	-	-	17
<i>Асосий материаллар</i>	40	87	173	4	10	17
<i>Коммунал хизматлари</i>	11	22	60	2	3	12
<i>Энергетика</i>	17	24	49	28	2	12
<i>Телекоммуникация</i>	6	9	36	2	1	7
<i>Истеъмол товарлари</i>	89	128	-	14	27	-
<i>Хизматлар</i>	130	116	-	28	40	-
Жами	1 040	1 412	2 682	199,0	330,0	608,0

Глобал IPO бозорининг ўсиш кўрсаткичлари 2022 йилда ҳам давом этиши кутилаётган бир пайтда дунёда геосиёсий муҳит ёмонлашиши ҳамда Россия Федерацияси ва Украина ўртасида низолар келиб чиқиши ортидан нафақат IPO бозорлари, балки барча миллий иқтисодиётлар, валюта ва фонд бозорлари кескин қулаши юз берди. Натижада 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига жами 804 та IPO ўтказилиб, улар орқали жалб қилинган маблағлар 2021 йилнинг шу даврига мос равишда 57 фоизга пасайган.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, дунёдаги геосиёсий барқарорлик бузилган бир пайтда, 2022 йилнинг 1 октябрь ҳолатига энг кўп IPO Хитой Халқ Республикасида ўтказилган. Хитой IPO фаоллиги минтақавий индексларнинг пасайишига қарамай барқарор бўлиб қолган ҳамда технологик компанияларнинг акцияларини оммавий жойлаштириш учун листинг талаблари юмшатилиши натижасида ўтказилган IPOлар орқали 25 млрд. доллардан ортиқ маблағ жалб қилинган (5-расм).



5-расм. IPO нинг мамлакатлар кесимидаги улуши (2022 Q3)⁹

ХУЛОСА

2022 йилда глобал IPO фаоллигининг кескин пасайиши туфайли трансчегаравий, йирик ва SPAC IPO ларининг сезиларли даражада қисқариши кузатилмоқда. Бундан ташқари, бозордаги ноаниқлик ва кескин ўзгарувчанлик шароитида бир қатор IPO лар кечиктирилган.

Қолаверса, АҚШ да инфляция кўрсаткичи сўнгги 40 йилликда энг юқори кўрсаткичларни қайд этаётганлиги сабабли, Федерал Резерв тизими томонидан қайта молиялаштириш фоиз ставкалари оширилиб, монетар сиёсатни яна ўз назоратига олиш учун чоралар кўрилмоқда. Бунинг натижасида йирик компания ва уй хўжаликларини кредитлаш қиймати қиммат бўлиши, бунинг натижасида иқтисодий ўсишнинг пасайиши ва охир-оқибатда рецессияга олиб келиши мумкинлиги сабабли инвесторлар томонидан фонд бозорларига бўлган қизиқиш сусайиб бормоқда.

Жаҳон иқтисодиёти кейинги давр мобайнида қандай кўринишда бўлишини олдиндан айтиш мушкул, чунки баъзи таҳлилчилар фоиз ставкаларининг кўтарилиши иқтисодиётни рецессияга олиб келиши мумкин, бу эса, айниқса, сифатсиз технология маҳсулотларига сарфланадиган харажатларнинг кескин қисқаришига олиб келишини англатади. Шунингдек, 2022 йилда глобал IPO бозорларининг тренди қайси томонга қараб кетиши Украинадаги вазиятнинг қандай тус олишига бевосита боғлиқ бўлиб қолган.

Фикримизча, жаҳонда геосиёсий вазият беқарор бўлиб турган пайтда акцияларни оммавий жойлаштиришни ҳолат яхшилангунга қадар ортга суриш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблаймиз.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. И.Бутиков. Рынок ценных бумаг. Учебник. Т.: Консаудитинформ, 2001. – С.477
2. Ш.Шоҳаъзамий. Методологические основы и приоритеты стратегического развития рынка ценных бумаг в Узбекистане. Автореферат дисс. на соискание ученой степени доктора экономических наук. Т. 2011.
3. Ачилов М. Ф., Алиев М. Г., Котов В. А., Тешаев Ш. Ж., Хамидуллин М. Б. Рынок капитала Узбекистана: вчера, сегодня и завтра. Ташкент: Молия, 2002. — 268 с.
4. У.Халиков. Фонд бозори: назария ва талқин. “Иқтисодиёт ва инновацион технологиялар” илмий электрон журнали. № 6, ноябрь-декабрь, 2016 йил
5. Абдуллаева Н.А. Фонд бозорида акцияларни бирламчи оммавий жойлаштириш (IPO) да суғурта инструментларини қўллаш йўллари. Иқтисодиёт ва таълим / 2020, №1
6. Б.Рубцов, А.Напольнов. Мировой и российский рынки IPO: анализ тенденций и перспектив развития. Наука, 2011. № 5 (68).
7. Xayrulla o'g'li I. T. BANK-MOLIYA TIZIMINI ISLOH QILISHNING USTUVOR YO'NALISHLARI //MODELS AND METHODS FOR INCREASING THE EFFICIENCY OF INNOVATIVE RESEARCH. – 2023. – Т. 2. – №. 23. – С. 372-375.
8. Khoshimov, Jakhongir. "FINANCING MECHANISMS OF ISLAMIC FINANCE PROJECTS FROM INVESTMENTS." Академические исследования в современной науке 2.27 (2023): 190-195.
9. Butaev, J. "ANALYSIS OF HUMAN CAPITAL INVESTMENT AND ITS SIGNIFICANCE." International Finance and Accounting 2020.5 (2020): 25.
10. Abdullaevich N. I. THE IMPORTANCE OF THE INVESTMENT CLIMATE IN THE INFLOW OF FOREIGN DIRECT INVESTMENT INTO THE COUNTRY //American Journal of Business Management, Economics and Banking. – 2023. – Т. 16. – С. 260-266.
11. Ataniyazov J. IMPROVING FINANCIAL AND CREDIT MECHANISMS FOR THE DEVELOPMENT OF SMALL BUSINESS ENTITIES //American Journal of Interdisciplinary Research and Development. – 2023. – Т. 21. – С. 50-62.
12. Sugahara S., Ravshan S., Bobur O. FEATURES OF MONEY SUPPLY REGULATION IN UZBEKISTAN //" MOLIYA-IQTISOD". – 2023. – Т. 1. – №. 1. – С. 59-68.
13. Abdullayevich, Navruzov Ikram. "The Impact of Attracting Foreign Direct Investment on Economic Development." Science Promotion 1.1 (2023): 14-19.
14. Bakhtiyor o'g'li, Ochilov Bobur. "THEORETICAL ASPECTS OF INVESTMENT ATTRACTIVENESS." American Journal of Technology and Applied Sciences 10 (2023): 144-149.
15. Aktamov B. BAHOLASH FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING MILLIY VA XORIJ AMALIYOTLARI XUSUSIYATLARI: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a34 //Iqtisodiyot va ta'lim. – 2022. – Т. 23. – №. 3. – С. 228-233.

16. Butayev J. MILLIY FOND BOZORI RIVOJLANISHINING ISTIQBOLLI YO 'NALISHLARI //Iqtisodiyot va ta'lim. – 2023. – T. 24. – №. 2. – C. 250-255.
17. Abdullayevich N. I. O 'ZBEKISTON RESPUBLIKASIDA MAXSUS IQTISODIY ZONALAR FAOLIYATINI RIVOJLANTIRISH YO 'NALISHLARI VA ISTIQBOLLARI //" MOLIYA-IQTISOD". – 2024. – T. 2. – №. 1. – C. 72-76.
18. Xayrulla o'g'li I. T. IJTIMOY SOHADA DAVLAT XUSUSIY SHERIKCHILIK MUNOSABATLARINI AMALGA OSHIRISH MEXANIZMINI O 'ZIGA XOS XUSUSIYATLARI //THEORY AND ANALYTICAL ASPECTS OF RECENT RESEARCH. – 2023. – T. 2. – №. 15. – C. 239-243.
19. Aktamov, Bobirjon. "BAHOLASH FAOLIYATINI DAVLAT TOMONIDAN TARTIBGA SOLISHNING MILLIY VA XORIJ AMALIYOTLARI XUSUSIYATLARI: https://doi.org/10.55439/ECED/vol23_iss3/a34." Iqtisodiyot va ta'lim 23.3 (2022): 228-233.